O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI

TOSHKENT VILOYATI
YANGIYO'L TUMAN
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЯНГИЙЎЛ ТУМАН
ҲОКИМИ

Q A R O R
ҚАРОР

№ 534 **«** 09 **»** 03 **2019 йил**

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, шунингдек устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сон, "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспекторидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини:

туман худудидаги техника эгаларига тегишли қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни 2019 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркарлар ва жисмоний шахслардаги мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва кўрсатилган муддатларда техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш Инспекцияси Янгийўл тумани бўлими техника холати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори (Э.Т.Бахтияров)га юклатилсин.

5. Янгийўл туман ҳокимининг 2018 йил 14 февралдаги 132-сонли "Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида" қарори бекор қилинсин.

6. "Янгийўл" газетаси муҳарририяти (А.Рихсибоев), транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий гарови эканлигини тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **А.Тухбатаев**